Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 76 (5366).
3 АПРЕЛЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

21 апрель — Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ШТАБИДА

2 апрель куни Тошкентда В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликни ўтказа. диган республика штабининг мажлиси бўлди.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон шаҳар ва вилоятларининг меҳнаткашлари меҳнат байрамига атаб тайёргарлик кўрмоқдалар, шу кунги ишларнинг конкрет ҳажмини белгилаб, тежалган хом ашё, ёқилғи ва электр энергия ҳисобига маҳсулотнинг анча қисмини ишлаб чиқариш мақсадида тежамкорлик учун курашни кучайтирмоқдалар. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари шанбаликнинг юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтказилишини таъминлашлари, шанбалик барча қатнашчиларининг юксак унумли ва зарбдор меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиришлари лозим. 21 апрелда саноат корхоналарига, қурилишларга ўн минглаб студентлар, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари, ишлаб чиқариш ветеранлари келадилар. Олдиндан қўшимча иш жойлари тайёрлаш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш, техника хавфсизлигига оид зарур тадбирлар кўриш талаб қилинади.

Мажлисда кўргазмали ва оғзаки агитация масалаларига, коммунистик шанбалик қатнашчилари орасида мусобақанинг ошкоралигини таъминлашга, шу кунги энг юқори меҳнат ютуқларини кенг пропаганда қилишга алоҳида эътибор берилди.

(ЎзТАГ).





Қизил байроқли коллективларда

Тракторсозларнинг янги марралари

Ўзбекистон ва умуман мамлакатимиз пахтакорларининг улкан ютуқларида республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги дарғаларидан бири — «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашларининг салмоқли ҳиссаси бор.

1983 йил республика социалистик мусобақаси якунларига кўра бирлашма коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Юксак мукофот ва партиямиз янги қарорларидан илҳомланган корхонанинг аксарият коллективлари ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқишди. Л. Недорезов, Н. Сидоренко бошлиқ бригадалар, слесарь-йиғувчи В. Харитонова шулар жумласидандир.

1984 йилда машинасозлар олдида катта вазифалар турибди. Ишлаб чиқариш ҳажмини 5,5 процентга ошириш, ўтган йилга нисбатан 1450 та кўп трактор йиғиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш лозим. Тракторсозлар республикамизнинг юбилей йили мажбуриятларини шараф билан бажаришмоқда. Жумладан, фақат биринчи кварталнинг ўзида пландан ташқари 490 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, топшириққа қўшимча 13 та трактор ва 42 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар жўнатилди.

СУРАТЛАРДА: завод ихтисослашган конструкторлик бюросининг бир группа инженерлари (чапдан-ўнгга) Т. Марченко, В. Фесенко, А. Вишегородский, С. Терешченко; Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Куйбишев район партия комитетининг аъзоси, 31-цех мастери Б. Иброҳимов; тракторларнинг навбатдаги туркумм қишлоқ меҳнаткашларига жўнатилмоқда; корхона бош йиғув конвейерининг энг яхши комсомол-ёшлар бригадаси (чапдан-ўнгга) А. Черкашев, Р. Одинаев, Б. Тўраев, А. Зубко (бригадир) ва Г. Жданов.

М. Нуриддинов фотолари.





Бунёдкорларнинг режалари

Тошкентлик бунёдкорлар ҳар йили анъанага айланган «қизил шанбалик»ни юксак меҳнат ютуқлари билан нишонлайдилар. Бу йил ҳам улар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллиги шарафига 21 апрелда юксак унум билан меҳнат қилишга, шу куни ишлаб топилган иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилдилар. Ҳозир қурилиш ташкилотларида, бўлинмаларда, бригадаларда «қизил шанбалик» программаси ишлаб чиқилмоқда. Қуйидаги ахборотларда бунёдкорларнинг шанбалик режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

«Беш йиллик план — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси шаҳрининг 60 йиллиги» шиори остида олиб бораётган Пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармасининг У. Олимжонов бошлиқ бригада коллективи юбилейолди вахтасида зарбдор меҳнат қилмоқда. Бу коллектив ўз меҳнат кампаниясида 1984 йилнинг июль ойи ҳисобидан олди. Олимжонов-лар ҳозирда Оҳангарон шоссесида бунёд этилаётган тўққиз қаватли уйда юксак унум билан меҳнат қиляптилар. Қурувчилар москваликларнинг ташаббусига биринчилар қатори қўшилдилар. «Қизил шанбалик» кунини зарбдор меҳнат кунига айлантиришга бел боғладилар.

ЎЗАРО БЕЛЛАШУВ

153-трестнинг 39-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Р. Зиёев ва Г. Займутдинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари кўп йиллардан бери беллашиб келадилар.

Сапёрлар — Баранов кўчаларида бунёд этилаётган тўрт қаватли турар жой биносида меҳнат қилаётган бунёдкорлар ҳозирда графикдан ярим ой илгарилаб кетишга муваффақ бўлдилар. Шанбалик куни беш йиллик фондига минг сўмга яқин маблағ ўтказилади.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

12-трестга қарашли 65-қурилиш бошқармасининг Э. Шорахмедов бошлиқ комплекслашган бригада коллективи бригада пудрати методи асосида ишлаб, графикдан ўзиб кетишга муваффақ бўлди. Улар ўз меҳнат календарларида шу йилнинг май ойи ҳисобини очдилар.

Илғор бригада бошқармада биринчилардан бўлиб москвликларнинг ташаббусига қўшилди. Улар доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказиладиган шанбаликни зарбдор меҳнат куни деб эълон қилдилар. Улар шу куни София проспектида Тошкент политехника институти студентлари учун бунёд этилаётган ётоқхона қурилишида юксак унум билан меҳнат қилишиб, ишлаб топилган иш ҳақининг 400 сўмдан зиёдини беш йиллик фондига ўтказадилар.

ТАРАДДУД

2-трамвай депоси ҳайдовчилари москвликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб шанбалик куни юксак меҳнат кўтаринкилиги билан ишлашга аҳд қилишган. Шу куни 150 нафар ҳайдовчи ишга чиқиб, 570 сўмлик иш бажаришади, 4 вагон қисман ва тўла ремонт қилинади.

Депо ходимлари шанбалик кунида ленинградлик вагонсозлар доҳиймиз В. И. Ленининг 90-йиллигига туҳфа тариқасида тайёрлаган трамвай вагонини қайта ремонт қилиб, фойдаланишга топширади.

Меҳнат байрамида 700 дан ортиқ ҳайдовчи ва хизматчилар иштирок этишиб 200 тўп мевали кўчат ўтказилади, 2 минг квадрат метр майдонда ободончилик ишлари олиб борилади. Шанбаликдан тушган 867 сўм пул ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

МЕҲНАТ ЗАРБДОРЛАРИНИНГ СЛЁТИ

Бугунги кунда Сергели районидаги ўнлаб ва юзлаб цехлар, бригадалар, смена ва участкалар, экипажлар коммунистик меҳнат коллективи номига сазовор бўлган. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг 12 мингдан зиёд ишчиси «Коммунистик меҳнат зарбдори» фахрий унвонини шараф билан оқламоқда. Мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғори беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган.

Сергели районида коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг слётларини ўтказиб туриш яхши анъана бўлиб қолган. Бу сафарги слёт шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Район меҳнаткашлари слётга меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг дастлабки ташаббускорлари — Москва Сортировочная депосининг мастери Б. Поляков ва А. Павлютинни меҳмон сифатида таклиф этдилар. Меҳмонлар дастлабки «қизил шанбалик» ҳақидаги ўз таассуротлари, ватанпарварлик ташаббуси мамлакатимиз корхоналари ва қурилишларида қандай кенгайиб борганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Ёшлар ҳамшаҳарлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — донгдор тўқувчи Л. Казанцева, тўқимачилик комбинати ишлаб чиқариш таълими инструктори Б. Жўраева, 4-автопарк ҳайдовчиси К. Каримжонов ва Тошкент авиакорхонасининг учувчи-инструктори В. Дроновларнинг йўл-йўриқларини диққат билан тингладилар.

Шу куни районнинг кўплаб илғорлари коммунистик меҳнат зарбдорлари сафига қабул қилинди, 2-вагон депоси, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси, қуёш тўқимачилик мосламалар заводи коллективларига эса коммунистик меҳнат коллективи деган юксак унвон берилди.

Слётда энг яхши ишлаб чиқариш илғорларига 1983 йил социалистик мусобақасининг голиби нишонлари топширилди, илғорлар ва новаторларга, Сергели районининг барча меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг бўлиб ўтган мажлисларида халқ депутатлари Тошкент шаҳар депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди.

112-сайлов округи бўйича — **Абдуллаев** Эркин Абдуллаевич, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.

316-сайлов округи бўйича — **Озолен** Евгений Владимирович, ҳарбий хизматчи.

448-сайлов округи бўйича — **Алавутдинова** Васила Алавутдиновна, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи.

КОММУНИСТЛАР ИБРАТИ

Тошкент металлни қайта ишлаш бирлашмаси партия бюросининг секретари Х. Юсуфжонов москвалик-ларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишлаб 21 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлагани ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.

— Бу муҳим санани ўтказишга бағишланган митингда сўзга чиққан коммунист, тунукасозлик цехининг бригадири Ҳамидулла Назаров бутун бригада шу куни фақат тежалган электр энергияси ҳисобига ишлашга аҳд қилди, — деди у.

Поднос цехининг Абдуносир Ҳакимов бошлиқ сайқалчилар бригадаси шу куни топшириқни 200 процент оширишга азму қарор қилган. Шу кунги иш ҳақини ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказишади.

Коммунист Е. Сербенко бошлиқ слесарлар бригадаси ҳам шу куни ускуналарни созлаш топшириғини 160 процент бажариб, иш ҳақини эса беш йиллик фондига беришга қарор берган. Шу куни оддий кунлардагидан 7 минг сўмлик кўп рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек корхона ҳовлиси ва атрофларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

* * *

Тошкент қурилиши Бош бошқармасига қарашли уй-жой қурилиш трестининг ҳамма қурилиш-монтаж, пардозлаш бошқармаларида, 3-йирик панелли заводда шанбаликка катта ҳозирлик кўрила бошланди. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган меҳнат байрами кунида вахтада туриб ишлашга қарор берган коллективлар сони кун сайин ортиб боряпти. Шу куни 1253 бунёдкор қурилаётган уй-жойларда меҳнат қилади. Миналаб сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширадилар. 3-йирик панелли завод ишчилари эса шу куни 29,5 минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб қўшаришади. Кўплаб маъмурий бинолар, ётоқхона ва уй-жойларнинг атрофи ободонлаштирил а д и. 1500 тупдан кўпроқ манзарали дарахт кўчатлари ва буталар ўтказилади. Гулзорларга оройиш берилади. Шу кунларда байрамолди меҳнат вахтаси қизғин давом этмоқда.

Т. НАЖМИЙ.





Шаҳримиз кун сайин чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Бунда уюшқоқлик билан шанбалик ва якшанбаликларда иштирок этаётган ҳамшаҳарларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТЛАРДА: студентлар шаҳарчасидаги янги турар жой комплекси; пионерлар ҳашарда.

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРДА ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР КОНКУРСИ

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзида Қўқон шаҳри маркази учун эълон қилинган республика конкурсига тавсия этилган лойиҳалар муҳокама қилинди. Таниқли шаҳарсоз меъморлар, инженер мутахассислар иштирокида республика Архитекторлар союзи, Ўзбекистон тарихий ёдгорликларини таъмирлаш-лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-тадқиқот институти ва Қўқон шаҳри меъморлари республика кон. курсига тавсия этган лойиҳалар атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар конкурсга тавсия этилган лойиҳаларнинг фазилатлари, ютуқ ва камчиликларини таъкидладилар. Конкурс ҳайъати Қўқон шаҳри маркази учун энг истиқболли лойиҳаларни танлаб олди.

ЯНГИ МУЗИКА АСАРЛАРИ

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзида бўлиб ўтган ижодий муҳокама ўзбек давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ижросидаги янги музика асарларига бағишланди.

Оркестр Ўзбекистон композиторларининг совет кишилари бунёдкорлик меҳнати. ни тараннум этувчи, тинчловчиларнинг эстетик дидларини шакллантиришга хизмат қиладиган бир қатор янги музика асарларини ижро этди. Б. Гиенконинг уч қисмли сюитаси, Қ. Камолов ва Ҳ. Азимовларнинг увертюралари, Алимовнинг оркестр ижроси учун ёзган лирик қўшиқлари, Қ. Комиловнинг афғон халқ қўшиқлари асосида қайта ишланган янги музика асарлари шулар жумласидандир.

Муҳокама қатнашчилари оркестр ижросидаги янги музика асарларининг муҳим хусусиятларини таъкидлаб, уларни концерт репертуарларига киритишни тавсия этди.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Экскаватор заводининг меҳнатчилари кенг халқ истеъмоли молларининг янги турини тайёрлашга киришдилар. Бу меҳмонхона гарнитуридир. Бу уй жиҳози тошойна ва курсичадан иборат. Ҳозир корхонада автомашиналар учун эшик бандлари, орқа томонни кўрсатадиган ойна ишлаб чиқарилмоқда.

●

Киночилар уйида республикамизда ўтадиган тасвирий санъат ҳафталиги муносабати билан рассом И. Салпинкидн асарлари кўргазмаси очилди. Экспозицияларда мўйқалам устасининг Македония хотиралари, партизанлар ҳаракати туркумлари, шунингдек замонавий мавзудаги рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 11 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво булутланиб турсада, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 9—11, эртага кун-дузи 20—22 даража иссиқ бўлади.

ДАЪВОГАРЛАР МАТЧЛАРИДА

● ШАХМАТ

СОЧИ. Шахмат бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлигига даъвогарлар Л. Семёнова ва И. Левитина ўртасидаги финал матчининг кеча ўйналган ўнинчи партияси 42-юришда кечиктирилди. Бугун шу партия давом эттирилади. Ҳозирча ҳисоб тенг—4,5:4,5.

* * *

ВИЛЬНЮС. Бугун бу ерда гроссмейстерлар Г. Каспаров ва В. Смислов ўртасидаги матчнинг ўн биринчи партияси ўйналади. Ҳозир бокунлик Г. Каспаров 6,5:3,5 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ М. Ҳ. ҲАСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, давлат ва кооператив савдосини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР савдо министри Ўртоқ Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
2 апрель 1984 йил.

РОССИЯНИНГ УЛУҒ ЁЗУВЧИСИГА БАҒИШЛАБ

2 апрель куни Тошкентда улуғ рус ёзувчиси Николай Васильевич Гоголь туғилган кунининг 175 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечада олимлар, ёзувчилар ва шоирлар рус адабиётидаги танқидий реализмга асос солган ажойиб ёзувчининг жуда катта ижодий мероси ҳақида, унинг ўзбек совет адабиёти ва театрини ривожлантиришга ўтказган таъсири тўғрисида гапирдилар. Гоголь ижодиётидаги лирик ва фош этувчилик анъаналари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари ўзбек ёзувчиларининг асарларида давом эттирилганлиги уқтириб ўтилди.

Кечада Тошкент театрларининг актёрлари Николай Васильевич Гоголь асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларидан парчалар кўрсатишди. (ЎзТАГ).

Апрель ойида об-ҳаво қандай бўлади?

Ўзбекистонда баҳор бирмунча кечикиб бошланди. Апрель келган бўлса ҳам, кунлар ҳамон исигвнича йўқ. Газетхонлар, албатта чинакам баҳор қачон бошланишини сабрсизлик билан кутишяпти.

Синоптик календарь бўйича баҳор 15 мартда бошланди. Ҳаво ҳарорати кун сайин исиб борди. Лекин шимолий кенгликлардан вақтивақти билан совуқ ҳаво оқими республикамиз узра тарқалиб турди.

Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида ҳам температуранинг бирмунча пасайиши кутилади. Бу ойнинг иккинчи ўн кунлигида чинакам баҳор ҳавоси бошланиб, кундузи 22—27, кечаси 8—18 даража иссиқ бўлади.

Вутун ой давомида ўртача ҳаво ҳарорати кўп йиллик ўртача меъёридан паст бўлади. Ой давомида бўладиган ёғингарчилик меъёридан кам ва кўп йиллик ўртача миқдори атрофида бўлади.


• ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН


7. «Бутун мамлакат мен билан»

РЕПОРТАЖ

Газлиликларда турмушнинг вақтинча ноқулайлиги билан боғлиқ бўлган дастлабки қийинчиликлар ортда қолиб кетди. Улар чодир ва вагончаларни ободонлаштиришяпти. Уларни файзли, кўркам қилишяпти, газлиликларнинг турмушини ташкил қилишда республика партия органлари, халқ депутатлари Советлари катта ёрдам беряпти. Бу ерга ССР иттифоқининг турли бурчакларидан ҳар куни шаҳарнинг яқин кунлар ичида қайта тикланишига истак билдирилган юзлаб хат ва телеграммалар келиб турибди. Тошкентдаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари коммунистик шанбалик ўтказиб, унда ишланган иш ҳақини зилзиладан зарар кўрганлар ёрдами фондига ўтказишга аҳд қилишди.

Махсус мухбирларимиз Сергей Ежков ва Тўлқин Каримов Газлидан репортаж олиб борадилар.





Бугун хат ташувчи Гулсун Гумерова одатдагидек зилзила оқибатларини тугатиш штабига бир қучоқ хат-хабарларни олиб келди. Улар орасида тошкентликлар йўллаган телеграммалар ҳам бор. Биз ана шу телеграммалардан республика пойтахтида меҳнат коллективлари шанбалик ўтказиб, унда ишланган иш ҳақини газлиликлар ҳисобига ўтказишга аҳд қилишганлигини билиб олдик. Телеграммалардан бирида шундай сўзларни ўқиймиз: «Сергели райони корхоналарининг эллик мингдан зиёд меҳнатчиси шанбаликда қатнашади». Мана бир бошқа мактуб. Уни «Ташсельмаш» заводи ишчилари юборишибди. «Машинасозлар коллективи шанбаликка чиқиб ишланган иш ҳақини Газли ёрдам фондига ўтказишга аҳд қилишган. Яқин орада сизнинг шаҳрингизда обод квартираларга, тўзал болалар боғчалари, мактаб, касалхона қурилиб ишга тушсин». Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида цехлараро юк ташиш станцияси тракторчилар бригадаси бошлиғи Ислом Йўлдошев ана шу табаббус билан чиққанлигини бизга маълум қилишди. У зилзиладан зарар кўрган шаҳар фондига 12 сўм ўтказишни ният қилибди ва ҳамкасб ўртоқларини ҳам бу ишга давъат этган.

Бундай мактублар билан танишганингда, ёнингда бутун совет халқи турганлигини яққол ҳис этасан. Халқимизнинг саховати ва меҳрибонлиги, қардошларча ўзаро ёрдам бериш фазилати билан фахрланасан. Қудратли двигателларнинг овози Газлига истиқомат этиладиган вагончаларнинг навбатдаги туркуми келганлигидан хабар берди. Бу вагончаларнинг бир қисми Тошкентдаги экскаватор заводида тайёрланган. «Ўзбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги газ аппаратуралари заводи бу шаҳарга газ плиталарини мунтазам етказиб беряпти. Ҳозир бу плиталар ҳар бир хонадонга жуда ҳам зарур. Активистлар плиталарни уйма-уй тарқатишяпти. Чунки айрим кишилар бетоб ёки бошқа иншоотда тиним билмай вахтада туришибди. Биз уйлардан бирига кирдик. Бу ерда пенсионер Фаина Нестеркина истиқомат қилади. У шамоллаб қолганлиги туфайли штабга боролмаган.

— Агарда бундай қалби саховатли кишилар бўлмаганида менинг ҳолим қандай кечган бўлур эди, ўшанда нима қилишимни билмас эдим,— дейди, — бутун мамлакат менинг ёнимда турганлигини яққол ҳис этиб турибман. Чиндан ҳам энг машаққатли пайтда бутун мамлакат ёрдам бергани келди. Зилзаланинг эртаси куни комиссия менинг уйимни текшириб чиқди. Вақтинча яшаш учун уйжой беришди. Мана ҳозир газ плитаси олиб келишди, эрталаб ёш йигитчалар нозу-неъматлар бериб кетишган эди.

Чиндан ҳам бутун мамлакат Газлига катта мадад бермоқда. Ер ости силкиниши содир бўлгандан кейин дарҳол болаларни Бутуниттифоқ «Артек», «Орленок» оромгоҳларига юбориш масаласи ҳал этилди. Бирлашма ишчиларининг бир юз эллик ўғил ва қизи ҳозирда Қримда дам оляпти. Болалар у ерда ўқишни давом эттиришади, саломатлигини мустаҳкамлаш ш а д и. Яқинда уларнинг қаторига болаларнинг яна бир катта группаси бориб қўшилади. Шаҳарда ота-онаси билан қолган болалар учун вақтинча мактаб қурилмоқда. Аввалгисини табиий офат вайрон этган эди.

— Шаҳримизда, бутун мамлакатдаги каби иккинчи апрель куни мактабда ўқиш бошланади, —дейди биз билан суҳбатда «Газлинефтдобича» бирлашмаси комсомол комитетининг секретари Амин Шаропов. Комсомоллар вақтинча бинони бунёд этиш отаолиғини ўз зиммасига олишди.

Тушликдан кейин мароқли суҳбатнинг гувоҳи бўлдик. Штабга китоб магазини сотувчиси кириб келди. Магазиннинг ўзи вайрон бўлган, лекин бу ерда одамлар янги магазининг очилишини талаб қилишаяпти. Жуда қизиқ: одамларнинг яшаши учун вагончалар етишмаётган бир пайтда китоб магазинини ҳам ҳал этиш керак. Газлиликлар ҳар куни келаётган вагончалардан бирини китоб магазини учун ажратиб берилишига рози бўлишди.

Бу совет кишиларининг маънавий фазилати, бардошлилиги, қудратидан далолат бериб турибди.

«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбирларидан.

Газли, 3 апрель.

* * *

СУРАТЛАРДА: Газлига турар жой сифатида фойдаланиш учун келаётган вагончаларнинг кети узилмайди; киномеханик А. Гаффоров киносеанс бошланишин олдидан.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭФИОПИЯ ҚИШЛОҚЛАРИ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

АДДИС-А Б Е Б А. Эфиопия қишлоқлари миллий демократик революция йиллари давомида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бутун мамлакатда авж олиб кетган кооператив ҳаракат доирасида донли экинлар майдони кенгайтирилмоқда. Янги-янги кофезор ва банан зорлар бунёд этилиб, йўл қурилиши жадал олиб борилмоқда, деҳқонларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда.

Эфиопия марказидаги Шоа вилоятининг Секе областида ташкил этилган кооперативлар мана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қила олади. Кооператив ташкил этилгандан бери ўтган тўрт йил ичида замонавий техника ва ердан фойдаланишнинг илғор методларини қўлланиш туфайли буғдой ва картошка ҳосилдорлиги икки баравар ошди. 74 та обод уй-жой қурилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган улкан омбор барпо этилди. Кооператив аъзоларининг кўпчилиги саводсизликни тугатиш курсларини тамомладилар. Кўпгина киши-лар деҳқонлар тайёргарликдан ўтадиган кўп тармоқли «Агарфа» маркази сингари махсус ўқув юртларида ўзларининг касб маҳоратини оширдилар.

Давлат деҳқонлар бирлашмаларига ҳар томонлама ёрдам беряпти. Кооперативлар биринчи навбатда имтиёзли шартларда уруғлик, ўғит ва асбоб-ускуналар олмоқдалар. Мусобақа ташкил этиш қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда деҳқонлар иштирокининг таъсирчан формасига айланди. Мусобақани уюштиришда СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда тўпланган кооператив ҳаракатининг бой тажрибасидан актив фойдаланилмоқда.



МОЗАМБИК. Мамлакат пойтахти Мапутуда турар жой қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Мамлакатда турар жой проблемаси ҳали ҳал этилмаган бўлса-да, давлат кўраётган тадбирлар аҳоли турмуш шароитини жиддий яхшилаш имконини беради.

СУРАТДА: ГДРнинг техника кўмагида турар жой массиви. **Мапутуда қурилган янги турар жой массиви. АДН—ТАСС фотоси.**

СССР УЧУН КЕМАЛАР

ЛИССАБОН. Португалиянинг Вьяна-Ду-Каштелу шаҳридаги кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг буюртмасига кўра қурилган иккита кемани сувга туширишга тантанали маросими бўлди. «Дарёденгиз» типидаги қуруқ юк ташийдиган бу кемалар Волга-Каспий ҳавзаси флотини тўлдиради.

Португалия кемасозлари СССРнинг «Судоимпорт» ташқи савдо бирлашмаси буюртмасига биноан яна 2 та ана шундай кема қурмоқдалар. Совет Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик Португалия саноатининг мана шу тармоғида ишчиларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Маълумки, Португалия экономикаси ҳозирги вақтда оғир танғликни бошидан кечирмоқда.

АЯНЧЛИ МАЪЛУМОТЛАР

БРЮССЕЛЬ. Ғарбий Европадаги 18 та мамлакат экономикасида ҳозирги тенденциялар сақланиб қолар экан, 1990 йилга бориб бу мамлакатлардаги ишсизлар 25 миллион кишидан ошиб кетади. Европа касаба союзлари конфедерацияси ана шу аянчли маълумотларни эълон қилди. Конфедерациянинг бу ерда эълон қилинган докладида таъкидланишича, ҳозирги вақтда Европадаги 18 та капиталистик мамлакатда меҳнат ҳуқуқидан маҳрум этилган кишилар бундан ўн йил аввалги 2,5 миллион нафардан 19 миллион нафарга етган. Маъмурлар ва корхона эгалари меҳнаткашларнинг социал ғалабаларига қилаётган ҳужуми натижасида иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳвол ёмонлашди.

Ҳужжатда экономиканинг давлат секторига капитал маблағ сарфлашни кўпайтириш йўли билан ишсизликка қарши кураш юзасидан шошилинч чоралар кўриш зарурлиги таъкидланади.

Табиат қўриқланадиган бўлди

ҚОҲИРА. Миср ҳукумати тирик табиатни муҳафаза этиш тўғрисида яқинда қабул қилинган қонунни бажариш амалий тадбирларини рўёбга чиқара бошлади. «Ижпшн газетт»нинг хабар қилишича, МАРнинг ноёб ҳайвон ва парранда турлари яшайдиган бир қанча районлари давлат қўриқхоналари, деб эълон қилинди. Матруҳ вилоятида, ғарбий чўл воҳасида, Синай ярим оролида шундай қўриқхоналар барпо этилмоқда. Шимолий Миср кўлларида уюшмаган ҳолда балиқ овлаш тақиқланди.

Кейинги йилларда шаҳарларнинг назоратсиз ўсиши, атроф муҳитнинг булғаниши ва ноёвсиз ов қилиш Мисрнинг ҳайвонот дунёсига жуда катта зарар етказди. Баъзи ҳайвонот турлари йўқолиб кетиш ёқасига келиб қолди. Нефть излаб ер пармалаш, айниқса Нил дельтасининг ўрта ва шимолий қисмларида пармалаш ишлари ҳам Миср табиатига салбий таъсир кўрсатди. Мутахассисларнинг фикрича, махсус қонун жорий этилиши кўпгина ҳайвонот ва парранда турларини қутқариб қолишга имкон беради.





Фотокалейдоскоп

Японниянинг «Касио» корпорацияси жажжи радиотелевизион приёмник ишлаб чиқарди. Янги аппарат қисқа ва ўрта тўлқинидаги 4 диапазонда радиоэшиттиришларини қабул қила олади, унинг экрани эса тасвирни тиниқ кўрсатади. [суратда].

АП—ТАСС телефотоси.

* * *

Снам кўрфази сувларида йирик денгиз тошбақаларини кўплаб учратиш мумкин.

А. Минеев фотоси., ТАСС.

АНТИҚА ЧЕМПИОНАТ

Австралиянинг ... шаҳарларидан бири ... Кэрисда (Квинсленд штати) тарихида биринчи марта тимсоҳлар ўртасида югуриш бўлиб ўтди. Мусобақа ... собақа ўтказилди. Тимсоҳ ... нис кортида бўлиб ўтган бу антиқа чемпионатда 15 сантиметрдан ... метргача бўлган 31 тимсоҳ қатнашди. Қисқа қарли ўтган бу мусобақа давомида тўққиз ... нашининг оёқ ва ... лари рақибларини тишлаб олишдан ғажиб ташлаганлиги маълум бўлди.

ҚУРҒОҚЧИЛИК САБАБЛИ

Яқинда Австралиянинг кўпгина районларида рекорд келтирган қурғоқчилик бу қитъа учун хос бўлган ҳодисадир. Сидней университети метеорология факультетининг ... хассислари узоқ йиллар давомида бундан ҳам қурғоқчилик бўлганлигини аниқлашди. Тадқиқотлар бундан йигирма йил ... қаддам содир бўлган қурғоқчилик ўн йил ... байинда давом этган.

Олимлар ҳудди шундай хулосага келишган. Кезларда улкан континентларнинг ... лар ҳалок бўлганлиги эътироф этишди.

УЧ ОЙЛИК КУРС

Яқинда Англияда ... ёшгача бўлган болалар ... дан масхарабоз тайёрлайдиган уч ойлик курс очилди. Бу ерда болалар ... професснонал артистлар ... дан таълим олишади. Врачларнинг тавсияси билан кўришларига қараганда, бу курсларни тугатган болалар бошқа тенгдошларига нисбатан анча хушчақчақ ва меҳрибон бўлиб улғайишаркан.

ҒАРОЙИБ САВДО

Амстердам (Голландия) полицияси бракониерлик юрист шасини ... мокда олди. Уни Голландия, Швеция ва Германия Федератив Республикасининг турли ... лаларига бразилиялик ... ўн уч болани сотганликда айбланади. Тирик «мол»га, яъни ҳар бир бола учун уч минг доллардан пул тўланган деб хабар беради Франс Пресс агентлиги.

ЭЛЕКТРОН ГИТАРАЧИ

Япониялик инженер Сатор Нагаси томонидан робот-гитарачи яратилди. Кашфиётчи ... «мақсулотини» режими «бармоқлар» ва пластмассали «тирноқлар» билан таъминлади. Чунки машина барча овоз тебранишларини қамраб олиши ва энг оғир милодкалибрнинг ҳам оддий гитарада ижро этиши керак.

Электрон гитарачининг «бармоқлари» компьютер клавиатураси орқали бошқарилади. Робот-музика асбобини чалишни ўрганиши учун одамдаги сингари ўнта энг балки 90 та «бармоқлар» ўргатилган. Кашфиётчининг ишонтиришича, робот бора-бора инсон каби, ро этишни қийин бўлган музикаларни ҳам бемалол чала олиши мумкин.

ЕР ОСТИ АСФАЛЬТ «ЗАВОДИ»

Тринидад оролида планетамиздаги энг ... ройиб кўлладан бири жойлашган. Мутахассислар шундаги бу кўл асфальт билан тўлдирилгандан XIV асрда англичанлар денгизчи Уолтер Рейли бу асфальт-кўлдан ... кемаси корпусини ёпишда фойдаланган.

Пич-Лейк деб аталган бу ажойиб кўл Ла-Брея посёлкаси яқинида жойлашган. Унинг майдони 40 гектар бўлиб чуқурлиги 80 метрдан иборат. Ҳар йили Пич-Лейкдан юз тонналаб табиий асфальт ташиб кетилади. Бироқ унинг сатҳи ҳеч пасаймайди. Чунки бу ташиб кетилган асфальтлар ўрнини актив ва тўхтовсиз равишда янгиланиб турган ер ости асфальт «заводи» тўлдириб туради.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига

ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИДА

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

РЕПОРТАЖ

Тасаввур қилинг. Деҳқонбува қишлоқдан бозорга помидор олиб келди. Лекин бир кунда сотиб улгурмади. Хўш, қолган маҳсулотни қаерга қўйиши керак? Ўзичи, ўзи қаерда тунайди? Кеч бўлиб қолди, уйига етишга улгурмайди-ку!

У шундай пайтда эсанкираб, қийналмайди. Янги ёпиқ бозордаги қулайлик жонига оро киради. Қолган маҳсулотини омонат сақлаш камерасига қўяди. Мўътадил иқлимда мева айнимайди, ўзи эса шу ердаги 16 қаватли «Колхозчилар уйи»га кириб ором олади. Меҳмонхонада хоҳласангиз овқатланасиз, хоҳласангиз мадания ҳордиқ чиқарасиз...

Ҳа, бу хаёл эмас. Яқин йиллар ичида тошкентликлар яна бир ажойиб —харидор ва сотувчилар учун талай қулайликларга эга бўлган зангори гумбазли бозорга эга бўладилар. Бундай ажойиб бозор ҳали Ўрта Осиёда йўқ. Чорсуда, «Октябрь» колхоз бозори тепасидаги баландликда қурилаётган ёпиқ гумбазли бозор ана шундай қулайликларга эгалиги билан Ўрта Осиёда ягонадир...

11.«Висотст р о й» трести бунёдкорлари шаҳримиздаги осмонўпар, ноёб биноларни тиклашда ўзига хос бой тажриба тўплаган. Мана янги лойиҳа ҳам уларга ишониб топширилди. Одатда гумбазли иморатларни тиклаш машаққатли ишдир. Бунда тажриба қўл келяпти. Трестнинг 1-қурилиш бошқармаси монтажчилари асосий монтаж ишларига кўчдилар. Улар гумбаз каркасини монтаж қилишга киришдилар. Ҳозир бир нечта деталь жойига «михланди». Монтажчилар гумбаз каркасларини меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиқ кунигача йиғиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Монтаж қилиш кишидан заргарга хос меҳнатни талаб қилади, —дейди 1-қурилиш бошқармаси участка бошлиғи Семен Маев. — Деталнинг қаефини нимага пайвандлашни, пайвандламаслигини ҳам унинг пишиқ-пухталигини таъминлай билиш керак. Бинонинг мустаҳкамлиги пайванд ишининг нечоғлик пухта бажарилганига боғлиқ. Бу ишларни ҳозир «Спецжелезобетон» қурилиш-монтаж бошқармасининг М. Ҳабибуллаев, 1-қурилиш бошқармасининг А. Паршуков, П. Попов бошлиқ тажрибали бригада бунёдкорлари амалга оширишяпти. Бу йилги планимиз 8 миллион сўмлик, шу кунгача 4 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ердамчи пудратчи ташкилотлар — «Минторг», «Минавтодор», «Минсвязи», «Минводхоз», «Минпишчепром» бўлинмалари ҳам яхши ишлашяпти...

Ёпиқ гумбазли бозор Эски шаҳарнинг тўрт томонидан кўзга ташланиб туради. Марказий ўқининг баландлиги 30 метрга яқин. Гумбаз диаметри эса 80 метрга етади. Гумбаз остида 1200 та савдо нуқтаси бор.

Бозорга келган сотувчи ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайди. Ҳозиргидек юкини пештахтага келтириш учун аравакаш ёлламайди. Машинада келтирилган юк тўғридан-тўғри бозорнинг улкан омборига —махсус юк тушириш майдончаларига туширилади. Ҳозир сабзавот маҳсулотлари ва картошкани махсус юк контейнерларига жойлаштириш мумкин. Хўл мева, узум ва шунга ўхшаш маҳсулотлар электрокараларга қўйилади. Тез айнайдиган, бузиладиган маҳсулотлар учун катта саноат типидаги музхоналар хизмат қилади. Омбордаги маҳсулотлар эса хоҳлаган пайтда юк лифтлари орқали пештахта ёнига чиқарилади...

Шуниси характерлики, ёпиқ гумбазли бозор остида ўртача нарх «ҳукмронлик» қилади. Бундан тепадаги электрон табло сотувчини ҳам, харидорни ҳам огоҳлантириб туради.

— Ёзда гумбаз ости исиб кетмайдими? Бу саволимизга лойиҳа бош архитектори В. Азимов жилмайиб жавоб беради.

— Бунинг ҳам иложини қилганмиз. Салкам бир гектарли гумбаз ости иқлими конденционерлар ёрдамида мўътадиллаштир и л ади. Улар ёзда ҳавони салқинлаштиради, қишда эса иситади. Хуллас, минг бор эшитгандан, бир бор кўрган яхши. Ҳадемай, яъни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида ўн гектарли корпуснинг биринчи навбатини ишга тушириш мўлжалланган. Ўшанда биз ҳикоя қилган лойиҳанинг бир қисми рўёбга чиқади, кўз ўнгингизда гавдаланади.

Ҳа, бунга шак-шубҳа йўқ. Байрамолди зардоб вахтасида турган бунёдкорлар шу кунларда ғайрат отини қамчилаб, иш суръатини оширяптилар. Кўп ўтмай собиқ Эски шаҳарнинг меъморчилик коллекцияси яна бир ажойиб —зангори гумбазли бозор-ноёб иншоот билан бойийди.

Т. ТОШЕВ,
Э. ЗОҲИДОВ.


«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: ёпиқ бозор қурилишида жонбозлик кўрсатаётган илғор электр пайвандчилар Р. Соҳибоев ва М. Мальцев; гумбазли бозорнинг макетдаги кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотолари.





• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Монпасье»ни кўрган борми?»

Газетанинг шу йил 14 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида оқшомхон Х. Отабекованинг хати берилиб, унда Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли корхоналарда кичкинтойлар жуда ёқтирадиган, чиройли қутичадаги ширинлик «Монпасье» йўқ бўлиб кетганлиги таъкид қилинган эди. Редакция Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигидан қуйидаги жавобни олди:

Ҳозирги вақтда ана шундай «Монпасье» карамелини ишлаб чиқарадиган қувватлар йўқлиги, юқори ташкилотларнинг кўп шакар кетадиган қандолат маҳсулотларини кескин қисқартириш ҳақидаги кўрсатмасига биноан ана шундай карамеллар ишлаб чиқариш камайтирилган. 1984 йилдаги тасдиқланган планга мувофиқ «Монпасье» карамели Самарқанд, Бухоро, Ургенч даги нон комбинатларининг қандолат цехларида 200 тонна ишлаб чиқарилиши планлаштирилган.

Тошкентдаги магазинларнинг пештахталарида «Монпасье» карамелининг йўқлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги 1985 йилдан бошлаб Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ана шундай карамель ишлаб чиқарадиган линияни ишга тушириш масаласини кўриб чиқмоқда.

• ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ


3 АПРЕЛЬ, 1984 й.

«Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси гражданин В. Г. Лапининг хатини кўриб чиқди. Унда Сергели райони ички ишлар бўлимининг паспорт бўлими ходимлари уни ва унинг оила аъзоларини ўз вақтида пропискадан ўтказмаганликлари ҳақида шикоят қилган эди.

Текшириш пайтида хатда баён этилган фактлар чиндан ҳам рўй берганлиги тасдиқланди. Бу 1983 йилнинг охирида Тошкент шаҳри паспорт бўлимларида мансабдор шахсларнинг тадбирсизлиги оқибатида кўчирма бланкалари йўқлиги сабабли рўй берган. Ҳозир район бўлимларида бланкалар бор.

Гражданин В. Г. Лапин ўз вақтида прописка ва виписка қилинмаслигида айбдор бўлганлар бундан кейин шундай фактларга йўл қўйилмаслиги тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилдилар».

Э. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.



НОН-БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

• ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН

Неъматларнинг султони

Инсон миллион йиллар илгари бир мўъжиза топди. Чинакам мўъжиза: бу сариғиш жимжимадор Буғдой дон! Бу нон эди! Уни ўзлаштиролмадилар, экдилар, эҳтиёжларини кўзга кўра оширтирдилар, оловда товлаб пиширдилар. Танобини кенгайтирган одам ундан ғалла олди, танга қон олди.

Нон одамга жон ато этади. Шунинг учун ҳам «Нон — ҳаёт!» дейдилар.

Тўкин дастурхонимизнинг файзи-тароватидан, рўзғоримизнинг султони Нонни ҳар бир кесак эъзозлайди. Бир бурда нон емаган кунимиз йўқ. Унинг ўрнини маҳаман деган неъмат ҳам босолмайди. Ота-боболаримиз ер юзида нон ушоқ кўришга олий кўзга суртадилар, нонни доим азиз биладилар. Мен ана шундай удумларимизни дилга жо этиб, новвойлик касбини эгалладим. Мана бир неча йилдирки, 5-нон заводида ҳамкасбларим қатори халқимизга сифатли нонлар етказиб беришда қўлдан келганча меҳнат қилияпман.

Халқимизда, саховатли бўлмасанг майли, лекин исрофгар бўлма, деган гап бор. Ҳа, нонни исроф қилмаслик керак. Нон — она-Ер инъом этган дуру-гавҳар, бобо деҳқон пешона терисини билан яратган бебаҳо неъмат!

Нохуш мисол бўлсада, бир мисол келтирайлик. Ҳисоб-китобларга қараганда икки миллион аҳоли яшайдиган шаҳримизда ҳар куни 400 минг килограмм нон ёпилади. Шундан 10 процентни, яъни 40 минг килограмм исроф бўлар экан. Агар бир килограмм нон етиштириш учун 8 квадрат метр майдон зарурлигини ҳисобга олсак, демак бир кунда 3 гектару 2 сотих экин майдонидан олинган буғдой нобуд бўлаётган экан. Ҳўш, бу миқдорни 30 кунга ва 365 кунга қўшайтирсак-чи? Унда ХХ асрда, юксак камолотга етган одамларнинг овқатланиши маданиятида анча орқада эканлигимиз ва нохуш коэффициентга кўп йўл қўяётганлигимиз билиниб қолади.

Ошхоналарда, мактабларда, боғча-ясли-ларда, баъзи хонадонларда нон исрофгарчилигини кўрганда одамнинг қалби титраб кетади. Баъзи бировлар ошхонага кириб овқатланганида икки-уч ўзинга етарли бўлак ўрнига бир даста нон олади. Кейин бу овқат қолдиғига ташлаб юборилади. Уйларда қолган-қутган нонларни қуритиб нон солма, шакарли толқон қилиш ўрнига ахлатга ташлайдиганлар, молга берадиганлар ҳам бор. Бундай ҳунук одатга ачинамиз, куйинамиз.

Нонлар исроф бўлмаслигида уни сифатли тайёрлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Қуйган, яхши пишмаган, шакл-шамойили келишмаган, хамири етилмаган нонлар исроф бўлади. Ҳинд халқи «Филнинг кокини кўтаролмаса, отнинг узури бор», дейди. Баъзан нонвойхоналардан ҳам сифатсиз нонлар чиқиб қолади. Бунга асло йўл қўймаслик керак. Нонларни магазинларга етказиб беришда, уларни сотувда нихоятда нозик ҳаракат керак.

Ризқи-рўзимиз — Нонни эъзозлаган одам нондек азиз ва мукаррам бўлади, бойлигимиз ортиб бораверади.

Фаёз ҒАФУРОВ,
«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон заводи ходими.



Наталья Эргашева «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-нон заводида меҳнат қилади. У ишлаётган участка коллективи оби нонлар тайёрлайди. Илғор ишчи смена топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этиш билан бирга, тайёрланаётган оби нонларнинг юқори сифатли бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқда.
СУРАТДА: Наталья Эргашева.
М. Нуриддинов фотоси.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Ейиладиган овқатлар тоза ва озода бўлмоғи лозим. Масалан, зарар етмаган буғдой, шу буғдой унидан қилинган нон ва хамир овқатлар. Гўшт эса соғлом ҳайвон гўшти бўлиши билан бирга, яхши пиширилиши лозим.

● Бугун ейишга нарсаси бўлмаган одам сендан нон насия сўраса мурувват қил, аммо гўшт насия олмоқчи бўлса мурувват қилма.

● Заҳмат чекмаган нонинг қадрини билмайди.

● Нон — имондек азиз, уни доим эъзоз эт.

● Нон—ҳамма неъматларнинг султони, у доим дастурхонда ҳозир бўлади.

● Олтин, кумуш тош бўлур,
Арпа, буғдой ош бўлур.

• ЯХШИ ФАЗИЛАТ

ТАЛҚОН

«Табассум» магазинида, нон бўлимида Акмал Иброҳимов деган ёшгина йигитча ишлайди. У хушмуомала, ширинсухан. Ёқимли кўриниши, табассуми одамга яхши кайфият бағишлайди.

Акмалжон ҳар куни нон дештахталаридаги майда увоқларни тоза оқ чўтка билан супуриб-сидириб олади-да, целофан ҳалтачага солади:

— Нон увоқларини нима қиласиз, ўғлим? — сўради бир кекса киши.

Акмалжон қулимсираб отага жавоб қилди:

— Қаранг, оқ-қизғиш нон увоқлар бир ҳалта бўлиб қолди... Буни бувимларга олиб бораман, шакар қўшиб толқон қиладилар... Шунақа ширин бўладики, чой билан тановул қилинса, одам қувват олади.

— Баракалло, ўғлим, — деди отахон қувонч билан, — нон увоқни шундай азиз қилсангиз, ўзингиз ҳам мўътабар бўласиз.

Собир Раҳимов районидаги «Табассум» магазинида нон сотувчи Акмал Иброҳимовдан харидорлар ҳам беҳад хурсанд бўлишмоқда.

Нафис маҳорат эгаси



Макс Эйве бешинчи Жаҳон чемпионидир. 1935 йилдан 1937 йилга қадар шахмат тожини қўлда сақлаб турган.

Ленинград, 1934 йил. Бу ердаги филармония залида мамлакатимиздаги энг кучли мастерлар голландиялик гроссмейстер М. Эйве ва унинг тренери Г. Клюх билан шахмат ўйнашмоқда. Мусобақа давомида биз шахмат мухлислари бўлган бир группа ленинградлик ўқувчилар бўлажак чемпион билан учрашишга муяссар бўлдик. Фахрий меҳмон билан танишибгина қолмай, у билан шахмат ҳам ўйнадик... орадан 39 йил ўтди. Мен М. Эйве билан 1973 йилда Ленинградда ўтказилган зоналараро турнирда яна учрашдим. Бу вақтда уни фақат собиқ жаҳон чемпиони сифатидагина эмас, ФИДЕ президенти сифатида бутун дунё таниир эди. 1934 йилда бўлган воқеани унинг ёдига солдим. Қувончлиси шундаки, у ҳам ленинградлик болакайларни унутмаган экан. Ўшанда биз партияни дуранг бипан якунлаган эдик.

Жаҳоннинг бешинчи чемпиони ким! У шахмат чўққисига қандай кўтарилди!

Голландиялик Макс Эйве ҳамиша шахматга



Клуб Советининг раиси гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ

ҳавас билан қараган. Тўғрисини айтганда ҳаваскор билан шахмат билимдонининг ўртасида ҳеч қандай чегара йўқ. Ўта меҳнаткаш бўлган М. Эйве бошқа шахматчиларнинг ижодини синчиклаб ўрганиб, аста-секин катта учрашувга — Жаҳон биринчилиги мат-чига тайёргарлик кўра бошлади.

1935 йилда М. Эйве жаҳон чемпиони А. Алехин билан матч ўтказди. Барча шахмат мухлисларини ҳайратга солиб ғолиб чиқди. 1937 йилда эса матч-реваншда мағлубиятга учраб яна жаҳоттчиликни ҳайратлантирди.

М. Эйве тенги йўқ рус Жаҳон чемпионини мағлубиятга учратган ягона шахматчидир. У А. Алехин билан 100 га яқин партия ўтказган. А. Алёхинда 2 ёки 3 ғалаба ортиқ холос.

М. Эйве фақат ҳақиқатни, ростгўйликни тан оладиган инсондир. Уруш йилларида у гитлерчилар Германиясида бироита ҳам ўйин ўтказмади, ўз имкониятидаражасида Голландияда яширинниб юрган антифашистларга ёрдам бериб турди.

Ёш авлод М. Эйвени шахмат арбоби, пропагандачи, ФИДЕ президенти сифатида яхши танийди. У президентлик қилган даврда, яъни 1970 йилдан 1978 йилга қадар Рейкьявик ва Багио шаҳарларида жаҳон биринчилиги матчларини ўтказилди. Саккиз йил давомида М. Эйве ривожланаётган мамлакатларда шахматни оммапаштиришга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган жуда кўп тадбирларни амалга оширди.

Голландиялик гроссмейстер яхши назоратчи бўлиш билан бирга ўзи ҳам янги дебютларни яратди.

Г. БОРИСЕНКО,
хат ва телеграф орқали ўтказилган мусобақапар гроссмейстери, СССР спорт мастери.

• ҲАКИМЛАР ХАЗИНАСИДАН

Емиш эмас, даво ҳам

Шарқшунослар бирорта тиббий асарни таржима қилмоқчи ёки ноаниқ ерини аниқламоқчи бўлсалар тез-тез форсча «Махзан ал-адвия» («Дорилар хазинаси») номли китобга мурожаат қиладилар. Бу асар ҳақиқатан ҳам дорилар хазинаси. Уни ота-боболари машҳур табиб бўлиб ўтган ҳиндистонлик олим Муҳаммад Ҳусайн ёзган. Асар бошдан-оёқ содда дориларнинг шифобахш хусусиятини очишга бағишланган. Муҳаммад Ҳусайнгача ҳам содда дорилар ҳақида асарлар ёзилган эди. Хўш, «Махзан ал-адвия»нинг улардан қандай фарқи бор?

«Махзан ал-адвия» 1850 йиллар атрофида ёзилган. Муаллифи эса билим даражаси кенг, истеъдодли табиб бўлган. У ўз асарини ёзиш жараёнида ҳар бир ўсимликнинг турли тилларда — арабча, форсча, туркча ва Европа тилларида қандай айтилишини кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари, Галендан тортиб, Ибн Сино, Беруний, Антокий, Розий ва бошқа жуда кўп табибларнинг асарларидан ва ўз давридаги табибларнинг, шунингдек ўз тажрибаларидан ҳам фойдаланади. Ҳар бир ўсимлик ва дориворларнинг моддалар ҳақидаги ўша олимларнинг фикрини бир ерга жамлайди ва фойдаланишни ғоят осонлаштиради.

«Махзан»ни ўқиб эканмиз, унда нон ва дон ҳақида, уларнинг фойдалари ва шифобахш хусусиятлари ҳақидаги фикрларни ҳам кўрамиз. Неъматлар султони бўлмиш нон фақат емишгина эмас, шифобахш даво эканини ҳам кўрамиз. Уларнинг турлари ва ҳар бир турида яширинган фойда ва зарарларни билиб оламиз. Шу мақсадда асардаги нон ва дон ҳақидаги бобларни таржима қилдик ва азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этдик.

Нон арабча «хубз», форсча «нон», туркча «чирк», ҳиндча «руий» ва инглизча «брид» дейилади.

МОҲИЯТИ. Нон бир неча хил донлардан тайёрланади. Усули қўйидагича: исталган дондан олиб, тегирмонда тортилади. Элаб, хамир тайёрланади. Пиширилади, тановул қилинади.

Нонларнинг ичида энг яхшиси йирик, етилиб пишган буғдой унидан қилинган. Аммо унинг ўнидаги кепаги ўртача эланган бўлиши, хамири яхши қорилган, тинч ундан:

[кўпчиган] бўлиши керак. Сўнг мўътадил тандирда пиширилади.

Сут ҳамда ёғ қўшиб пиширилган нонни «ширмол» [ширмой] деб атайдилар. Барча турдагисидан яхши бўлади.

НОН ТАЙЁРЛАШНИНГ НАВ ВА УСУЛЛАРИ КЎП. Нонинг ширин бўлишини ҳоҳласалар қанд ширасн ёки шинни қўшиб тайёрланади. Устига эса товуқ тухумининг сариғидан суркаладн. Унинг чиройли ва дориворбўлиши учун устига пўсти туширилган кунжут, арпабодиён, ноҳоқ ва зиралардан сепиладн.

Обн нондан бошқа нонларнинг ҳаммаси ҳам қийин ҳазм бўлувчи ва ғализдир. Бироқ бўйракка қувват бўлади.

ТАБИАТИ. Нонинг табнати ва мижози қайсн дондан тайёрланишига боғлиқ.

ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҚУВВАТИ ВА ХОСИЯТЛАРИ. Иссиқ нон қизидирувчи ҳамда ошқозондаги ҳўл рутубатларни қуритувчидир. Тишлаб турилса ва чайналса тиш қамашиб қолишини йўқотади.

СОВҚ НОН баданга ҳўллик бағишлайди, кишини семиртиради ва баданга куч бўлади.

ҚОҚ НОН кеч ҳазм бўлади, қуритувчи хоссага эга. Ҳамма турн ҳам кишида чанқоқ ҳосил қилади. Юқорида айтилган зираворлар, сариқ йўғничка ва седана билан ёпилганн эса иштаҳа қўзғатади, кеч ҳазм бўлади, тиқилмаларни очади, рутубатларни қуритади, елларни тарқатади. Кўкнор уруғи сепилганн эса ухлатувчи ва қотирувчидир.

ПАТИР НОН ва кепаги тамом чиқариб ташланган ва яхшилаб эланган ундан тайёрланган нонлар қийин ҳазм бўлади, тиқилма пайдо қилади ва ел ҳосил қиладм. Кепаги бутунлай олинмагани эса ҳаммага баб_баравар фойда қилаверадн.

АРПА УНДАН қилинган нон нўхот унидан қилинган нонга нисбатан тез ҳазм бўлувчидир. Аммо совитувчи ва овқатлик қуввати кам. Ошқозон зайфлашмаган ҳолда рўй берган ич кетишн ва ҳароратни иситмаларга қарши фойдали. Ел пайдо қиладн. Совуқ мижозли кишиларда эса ичак санчиғини пайдо қиладн. Унн йўқотиш учун эса моул асали (асал сувн, яъни асалнн паст оловга қўйиб, кўпигнни олиб ташлагандан қолган шираси) ичиладн, гўштли шўрва ва шакар истеъмол қилинадн.

ГУРУЧ УНИДАН қилинган нон совуқ, ўта қуруқ, чанқатувчи, тиқилмалар пайдо қилувчидир. Бироқ кишинн семиртиради, овқатлик қуввати кўп. Сафролн ва қонли ич кетишига қарши фойдали. Юз рангини яхшилашда таъсирга эга.

БУҒДОЙ, ГУРУЧ ВА АРПА унидан тайёрланган нонларга ёғ қўшмай, шакар қўшиб тайёрланса, тез ҳазм бўладн. Нонинг бошқа турлари ичида шу унлардан қилинган нонлар афзалроқлардир.

НЎХОТ, БОҚИЛА, ДУБ ЁНҒОҒИ ВА ЖЎХОРИ унидан қилинган нонлар қийин ҳазм бўладн, тиқилмалар пайдо қиладн, овқатлик қуввати эса кам. Ични қотирувчи бўладн. Шўр ва аччиқ нарсалар билан ейилса ўта зарардир. Зарарини йўқотиш учун эса ёнғоқ ҳамда ширинликлар ейилади.

Табобат аҳли фақат нонининг тиббий хосиятларини ўрганибгина қолмай, буғдой донининг даволик хусусиятини ҳам текшириб чиққанлар. Нон хосиятларини кўриб ўтар эканмиз, донининг хислатлари ҳақида ҳам эшитиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайдн.

Розий тавсияномаларидан

Абу Бакр Муҳаммад Закариё Розий фаннинг турли соҳаларига оид 184 та асар муаллифи. У Ибн Сино ва Берунийнинг илмий дунёқарашига муҳим таъсир кўрсатган олим эди. Ҳатто Беруний унинг асарларини ўрганибгина қолмай, ёзган китобларининг рўйхатини ҳам тузган эди.

Розий аввало Рай касалхонасини, ундан сўнг Бағдод касалхонасини бошқарди. У Шарқда биринчи бўлиб, беморларнинг касаллик варақасини жорий этди. Унинг ўзи ёзган, кейинроқ эса шогирдлари томонидан тўлдирилган касаллик варақалари бизнинг кунгача етиб келган. Уларни биринчи бўлиб топиш ва ўзбек тилига таржима қилиш арабшунос олим Ҳамидулла Ҳикматуллаевга насиб этди. «Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи номли асарни ўзбек тилида чоп эттирди.

Розий ўз беморларига кўпинча бошқа дорилар билан бирга, нонни тавсия қилар эди. Улардан баъзиларини диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.



Озода Мирзараҳматова «Ташкент хлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон заводи 8-цехи илғор ишчиларидан. У халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати ҳамдир. Илғор ишчи ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам, депутатлик бурчини ҳам яхши бажармоқда.
СУРАТДА: (чапдан_ўнгга) Озода Мирзараҳматова мастер Ориф Қосимов билан тандирдан янги узилган нонлар сифатини кўздан кечирмоқда.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

● Бир кишининг меъдасида бир оғриқ ва куйиб ачишиш бўлиб, юрак томонига хилтлар оқиб келар экан. Пешоби сариқ рангли эди. Устоз Розий енгил сариқ касаллиги деди. Энди ҳар куни бир дирҳам тобошир шарбатини истеъмол қилсин, овқати анор сувига ботирилган нон бўлсин, деди.

● Бир кишининг овозида бўғилиш ва меъдасида ачишиш бўлиб, еган нарсаларини меъдасидан жигарга ўхшаш, қайнатилган тухум каби ёпишқоқ ва ёқимсиз ҳидли ачиган бир ҳолда қусиб чиқариб ташлар эди. Устоз унга турп, сиканжубин ва асал билан қусишни буюриб, овқатига нон билан асални тайинлади.

● Бир боланинг меъдасида оғриқ бор эди. Нордон қусиқ қусганида роҳатланар эди. Устоз унга юлдуз кулча дорисини истеъмол қилишни айтиб, овқатига асал билан нонни буюрди.

● Бир хотин уч йилдан буён қора қонга ўхшаш куйган бир нарса қусар экан... Устоз унга болдиридан қон олиб, девпечак қайнатмаси ичиришни, гулобга нон тўғраб беришни буюрди.

● Бир киши ҳар бир еган нарсаларини ғоят нордон ҳолда, қусиб ташлар эди. Ичи қотган эди. Устоз унга кечалар сабр ҳоб дорисн ва кундузлари юлдуз кулча дорисн истеъмол қилишни буюрди. Овқатига нон билан асални тайинлади.

● Бир киши ноғораси мон истисқога учраган эди. Устоз унга катта туркум дорисини истеъмол қилишни буюриб, истисқонинг бу хилига дори камдан-кам ҳолда фойда қилади, бунга овқатлардан нон билан сиканжубин ва бошқа нордон таомлар муносиб, деди.

● Кекса ёшдаги бир кишининг пешоб йўлида куйиб ачишиш бор эди. Устоз унга сут ичгин, нонни сутга ботириб егин, семиз гўштлардан қилинган шўрва истеъмол қилгин деб буюрди.

Материалларни Маҳмуд ҲАСАНОВ ва Тўлқин РАСУЛЕВлар тайёрлаган.

ТАҚСИМЛАШ

(Ҳинд халқ эртаги)

Бир киши ҳар доим бозорга борар ва бешта нон сотиб олар экан. Кунлардан бир куни у танишини учратиб қолибди, танишн ундан:

— Дўстим, нима учун ҳар куни бешта нон сотиб оласан? — деб сўрабди.

У эса шундай жавоб берибди:

— Биттасини ўзим ейман, иккитасини қарзга бераман, икки кишига қарзимни тўлайман.

— Тушунмаяпман,— дебди танишн. —Менга буни яхшироқ тушунтириб бер.

— Ҳўш қандай қилиб тушунтирай: битта нонни ўзим ейман, иккита нонни болаларимга бераман, иккитасини — отам билан онамга бераман.

Янги саҳна асарлари

Пойтахт театрлари

Пойтахтимиз театрларининг ижодий коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига атаб бир қатор янги спектакларни саҳналаштирмоқдалар. Ўзбек Давлат театрида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Сарвар Азимовнинг «Кўзлари чўлпон», драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Чакана савдо» асарлари асосида тайёрланган спектаклларнинг ижодий муҳокамаси бўлиб ўтди. Инсоний меҳр-муҳаббат, ёшлар севгиси ҳақида баҳс этувчи «Кўзлари чўлпон» қиссасининг саҳна инсценировкасини ёзувчи ва драматург Ўлмас Умарбеков ёзган. Спектаклни театрнинг бош режиссёри Ҳабибулла Файзиев саҳналаштирди. Саҳна безакларини рассом А. Батиков яратган. Асосий ролларни театрнинг етакчи актёрларидан Тожибой Норматов, Карим Мирхожиев, Ҳошим Арслонов, Ноила Тошкенбоева, Умида Аҳмедовалар ижро этишади.

Режиссёр Наби Абдураҳмонов саҳналаштирган «Чакана савдо» спектакли эса ХХ аср цивилизацияси, унинг ривожланган капиталистик мамлакатларидан инсон шахси ва эркига таъсири ҳикоя қилади.

Театр мухлислари орзиқиб кутаётган яна бир янги саҳна асари Ҳамза номли Ленин ордендн ўзбек Давлат академик драма театрининг «Отелло» спектаклидир. В. Шекспирнинг ана шу машҳур трагедиясини Е. Вахтангов номидаги Москва театри бош режиссёри, СССР халқ артисти Евгений Рубинович Симонов саҳналаштирмоқда. Шу кунларда премьерага тайёрланаётган спектаклдаги асосий образларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Ойдин Норбоева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Тўлқин Тожиев ва Гулчеҳра Жамиловалар яратишмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри санъаткорлари тез орада ўз томошабинларини композитор Улуғбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети премьераси билан хушнуд этади. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпослари ва Я. Илёсовнинг тарихий қиссаси асосида яратилаётган ушбу балетни Ўзбекистон ССР халқ артисти, театрнинг бош балетмейстери Иброҳим Юсупов саҳналаштирган. Саҳна безакларини рассом Станислав Феско яратган. Тўмарис образини Балет артистлари IV Халқаро конкурси лауреати, республикада хизмат кўрсатган артист Замира Давлатмуродова ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Феруза Саъдуллаевалар яратишмоқда.

Театрнинг опера труппаси эса композитор Сергей Прокофьевнинг «Оловли фариштa» спектаклини саҳналаштириш бўйича ижодий ишларни давом эттирмоқда.

Тез орада пойтахт томошабинлари эътиборига ҳавола этиладиган бу янги спектакллар саҳна санъати ижодкорларининг республикамиз юбилейига муносиб тўҳфаси бўлади.

Кучлилар аниқланди

• ШАШКА

Чирчиқ шаҳрида биринчи лига эркаклар ўртасида рус шашкаси бўйича республика чемпионати мусобақалари якунланди. Швейцария системаси асосида ўтказилган етти турда ҳаммаси бўлиб 34 шашкачи иштирок этди.

Республиканинг собиқ чемпиони, тошкентлик И. Мартель пешқадамликни қўлга олди. У спорт мастерларидан андижонлик А. Ҳайдаровни, самаркандлик Б. Усмоновни, тошкентлик А. Кацни, спорт мастерликгга кандидат андижонлик А. Исмоловни мағлубиятга учратди. Умумий ҳисобда 5,5 очко тўпланган И. Мартель биринчи ўринни эгалладн.

Тошкентлик яна бир спорт мастери, республиканинг бир неча бор чемпиони Ш. Ёқубов ҳам 5,5 очко тўпладн. У спорт мастерлигига кандидатлар чирчиқлик А. Букинни, тошкентлик П. Трофимовни, биринчи разрядли спортчилар фарғоналик Э. Халилов ва наманганлик И. Маматалиевни енгди. Шунга қарамасдан ўйинлар коэффициентига кўра иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Фарғоналик С. Кочергин ва Б. Усмоновлар 5 очкодан тўпладн. Спорт мастерлари навоийлик Ф. Абдураманов, андижонлик А. Тоштемиров, бухоролик спорт мастерлигига кандидат У. Орипов ва спорт мастерлигига кандидатлар Э. Халилов, А. Букин, А. Кац ҳам кучли ўнликдан жой олдн.

Бу ўн шашкачи самарқандлик гроссмейстер М. Фозилов, республиканинг ўтган йилги чемпиони И. Фридман, шунингдек, спорт мастери тошкентлик Г. Дорфман ва навоийлик спорт мастерлигига кандидат Г. Жуков билан Ўзбекистондаги энг кучли шашкачиларнинг мусобақасида иштирок этади. Бу беллашувлар 13 апрелдан 30 апрелга қадар Тошкентда ўтказилади.

Б. КАНИШЧИКЕР,
СССР спорт мастери.

Спорт кундалиги

● Киевда Жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпиони Владимир Смирнов хотира совринн учун ўтказилган халқаро рапирачилар турнирн якунланди. Унда барча мамлакатларнинг энг кучли спортчилари иштирок этди. Беллашувларда тошкентлик армиячи Собир Рўзиев муваффақиятли қатнашдн. У умумий якунда тўртинчи ўринни эгалладн бўлишига қарамасдан, мамлакатимиз спортчилари орасида энг яхши натижа кўрсатдн.

● Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида аёллар волейбол командалари ўртасида СССР Кубогининг зонал мусобақалари якунланди. Сўнгги учрашувда омсклик спартакчи қизлар тошкентлик волейболчиларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб ярим финалга йўлланма олишди. Ҳамшаҳарларимиз умумий якунда учинчи ўринни эгалладилар.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
3 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

• Йўл интизомни ёқтиради

«Қиттак»нинг оқибати қиммат

Шаҳар ГАИ бошқармаси эшиги ёнидан ҳеч ўтганмисиз? Ўтган бўлсангиз гуноҳ иш қилиб қўйган боладек бўйнини қисиб, қалтираб турган кап-катта одамларга эътибор бергандирсиз. Булар —нафсининг тизгинини билмай, «қиттак» отиб қўйиб, ўз бўйнига бир йиллик ташвиш оттирган кишилар.

Буларни «жодугар» қалтироқ қилиб қўйган. «Жодугар» ким дерсиз? «Жодугар» —ароқ. Улар «жодугарни отишгач, «жодугар» эса уларни бир ямлаб қалтироқ қилиб қўйган. ГАИ эса қалтироғингизга босилгунча машина рулига ўтирманг деб, уларни ҳайдовчилик гувоҳномаларидан бир-икки йилга маҳрум этган. Ҳа, ароқнинг кайфи-хурсандчилиги бир куну — ташвиши камида бир йилга татийди.

Давлат автомобиль инспекцияси ичиликбоз ҳайдовчиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриб тўғри иш қиляпти. Чунки спиртли ичимлик ичиб, автомобиль рулига ўтирган ҳайдовчининг жиноят йўлига кирган, ўз жонига қасд қилган кишидан фарқи йўқ. Алкоголнинг озгина миқдори ҳам ўз кучини кўрсатишини медицина далиллар билан исботлаган, статистика маълумотлари эса тасдиқлаган. Чунончи, 1983 йилда Тошкент шаҳрида ҳайдовчиларнинг айби билан содир бўлган ҳар бешта йўл-транспорт ҳодисасидан биттаси транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш эса ароқ билан «заправка» қилиб, йўлга чиқишган. Шуннингдек, асбобсозлик заводи экспедитори Тоҳир Бекиров «Москвич»вини, «Технолог» бирлашмаси ҳайдовчиси Валерий Иванович Безручкин «ГАЗ-53»ни спиртли суюқликнинг кучи билан бошқаришган. Оқибат: буларнинг ҳаммаси бир йилдан кейин ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Ҳайдовчилар қачон, қаерда ичиб олишади? Албатта, одамлар даврасида, биллур идишчадаги «жодугар»» ишвасига таслим бўлай деб турган шоферининг қўлини маҳкам ушлаш ўрнига уни рағбатлантирадиганлар оромизда бор. «Олинг, томчи — сел бўлмас», дейди биттаси. «Йигит кишига бир қултум нима бўлибди», дейди бошқаси. Қарабсизки, ҳайдовчи дунёнинг нариги чеккасига ҳам машинада жўнаб кетишга тап-тайёр бўлиб турибди! Жиноят сари қадам қўйилишига сабабчи бўладиганлар ҳайдовчига дўстлик эмас, балки душманлик қилаётганликларини унутмасликлари керак. Атрофдаги одамлар бир оғиз ҳақ-ноҳақ сўз-айтишга кифоя. Рўй бериши мумкин бўлган жиноятнинг олди олинади.

Ичкиликнинг оқибати нима билан тугашини ҳозир барча шоферлар билишади. Кўпчилик шоферлар иродали, ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этувчи, йўл интизомини ҳурмат қилувчи кишилар. Булар шофёр деган номни шарафлашяпти.

Спиртли ичимлик ичиб олиб, рулга ўтирадиган айрим ҳайдовчилар эса эл назаридан четда қолишаверади. Бундайлар-га қарши кураш фақат маъмурий органларнинг иши бўлиб қолмай, балки жамоатчи автоинспекторларнинг, меҳнат коллективларининг, бутун жамоатчиликнинг ишидир. Бу кураш қанчалик таъсирчан ва қаттиқ бўлса, йўлларимиз шунчалик бехатар бўлади. Инсон учун энг қимматли нарса —ҳаёт гўзаллиги кутилмаган тасодифлардан ҳоли бўлади.

М. МУРОДОВ.



Ушбу суратда акс эттирилган темир-терсак уюми беш минут олдин «Т28Х4» маркали росма на трактор эди. У тез юришда унча-мунча автомобилдан қолишмасди. Бироқ, ҳайдовчининг ўзгина спиртли ичимлик ичиб олиши натижасида Луначарское шоссесида дарахтга урилиб темир-терсан уюмига айланиб қолди.

Ф. Сандов фотоси.

• ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ТУФАЙЛИ

Мамлакатимизда болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва бутун халқимизнинг диққат марказида туради. Ёш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар бир совет кишисининг гражданлик бурчидир. Бу сўзлар, айниқса йўл ҳаракатининг асосий иштирокчиларига бевосита тааллуқлидир.

Ўтган йили пойтахтимиз йўлларида ёш болалар билан боғлиқ бўлган 408 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган ва ўнлаб бола оғир тан жароҳати олган.

Мана, бир мисол. 9-мактаб ўқувчиси Жамшид Соатов мактабдан қайтиб келгач, кўчага ўйнагани чиқиб кетган. Жамшид Энгельс кўчасидаги «Қозоғистон» кинотеатри яқинидаги бекатда тўхтаб турган автобуснинг олдидан югуриб ўтмоқчи бўлган. Маълумки, йўл ҳаракати қоидаларида бекатда тўхтаб турган автобусларнинг олдидан ўтиш қатъиян ман қилинади. Жамшид автобуснинг ёнидан ўтиб кетаётган автомашинанинг зарбига учраб, тан жароҳати олган ҳолда касалхонага келтирилди.

Павел Антипов ўғли Дима билан Шумилов темир йўл станциясига келган. П. Антипов шу ерда ўғлини машинанинг ичида ёлғиз қолдириб, ўз иши билан кетган. Дима машина ичида ўтиргиси келмай, юк туширилаётган вагонларни томоша қилиб айланиб юрган. У машина ёнига қайтиб ўтмоқчи бўлади, лекин ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида юк машинасининг зарбига учрайди.

Йўл ҳаракатида болалар билан боғлиқ бўлган травматизмнинг олдини олиш борасида Тошкент давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Йўл интизомини ёқтиради. Агар биз унга амал қилмас эканмиз, у бизга нисбатан шафқатсиз бўлиши мумкин, буни эсдан чиқармаслик керак.

А. ЭРНАЗАРОВ,

Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходими.

ҲОДИСА

ҚЎШАЛОҚ ҚОИДАБУЗАРЛИК

«УАЗ—452» маркали «32—39 ТНА» номерли автомашина ҳайдовчиси Ҳ. Жўраев Жаҳон Обидова кўчасида бораётиб, бирин-кетин икки марта йўл ҳаракати қондасини бузди. У аввал йўл ҳаракати қоидаларининг 9.6 бандига риоя қилмай об-ҳаво ва йўл шароитини ҳисобга олмади.

Кейин у йўл ҳаракати қондасининг 11.5 бандига биноан ўнгга бурилишдан олдин четки ўнг қолатни ўз вақтида эгаллаб олиши керак эди. Ҳ. Жўраев бундай қилмади. Натижада қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, рўпарадан келаётган юк автомашинаси билан ўз автомобилини тўқнаштириб юборди. Тўқнашув пайтида ҳар иккала транспорт воситаси шикастланди.

Энди Ҳ. Жўраев бу қондабузарлиги учун маъмурий жазо олди. Шунингдек, ҳар иккала транспорт воситасини ремонт қилиб беради. Ана қондабузарлик оқибати.

Ҳ. МИРЗАЕВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

4—8 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

КОНЬКИДА ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА

СССР ЧЕМПИОНАТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФИГУРАЧИЛАРИ, ЕВРОПА, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ, ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

4 АПРЕЛЬ

соат 8.00 дан 15.30 гача

ЭРКАКЛАР — ЕЛҒИЗ УЧИШ. МАЖБУРИЙ ФИГУРАЛАР.

СПОРТ РАҚСЛАРИ. МАЖБУРИЙ РАҚСЛАР.

соат 19.30 да

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР ПАРАДИ.

ЖУФТ БЎЛИБ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

5 АПРЕЛЬ

соат 8.00 дан 12.00 гача

АЁЛЛАР—ЕЛҒИЗ УЧИШ. МАЖБУРИЙ ФИГУРАЛАР.

соат 16.00 дан 18.30 гача

СПОРТ РАҚСЛАРИ. ОРИГИНАЛ РАҚС.

соат 20.00 да

ЭРКАКЛАР— ЕЛҒИЗ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

6 АПРЕЛЬ

соат 16.00 дан 18.30 гача

АЁЛЛАР —ЕЛҒИЗ УЧИШ. ҚИСҚА ПРОГРАММА.

соат 20.00 да

ЖУФТ БЎЛИБ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

7 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 18.00 гача

СПОРТ РАҚСЛАРИ. ЭРКИН РАҚС.

Соат 20.00 да

ЭРКАКЛАР —ЕЛҒИЗ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

8 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 17.30 гача

АЁЛЛАР—ЕЛҒИЗ УЧИШ. ЭРКИН ПРОГРАММА.

Соат 19.30 да

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР ПАРАДИ.

ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ.

КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАР.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача, мусобақалар вақтида кечки программа тугагунча ишлайди.

КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРДАН ТАШҚАРИ МУСОБАҚАЛАРГА КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31, 46-07-53, 46-68-77.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ФАҚАТ 10 КУН

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ ВА

ТАТАРЧА ҚУВНОҚ «САБАН ТЎЙИ»

ПРОГРАММАДА:

ПАРАД-ПРОЛОГ:

БИР ҒИЛДИРАКЛИ ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР.

Татаристон АССР халқ артисти ДАМИР ГИБАДУЛЛИН раҳбарлигидаги

ЖОНГЛЁРЛАР ГРУППАСИ,

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист РИНАТ АҲМЕТЗЯНОВ бошчилигидаги

ҲАВО ГИМНАСТЛАРИ;

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист НИКОЛАЙ КАЗИЛЬСКИЙ раҳбарлигидаги ГИМНАСТЛАР;

Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист ГАВДУЛҲАҚ ГИБАДУЛЛИН раҳбарлигида

ҲАЙВОНЛАР АТТРАКЦИОНИ

Бутун томоша давомида машҳур қизилқум масҳарабоз РАШИД САФАРОВ МОСКВА ва ЛЕНИНГРАД цирки артистлари билан ҳамкорликда томоша кўрсатади;

«БИРЛИК» ҲАВО ПАРВОЗИ — раҳбар М. РОДИН;

математика билимдони саман от ва чавандозлик олий мактаби — АЛЛА ва МИХАИЛ КОРОЛЕВЛАР;

ПЛАСТИК ЭТЮД — Зинаида ВАРИЧЕВА;

«РАДУГА» АКРОБАТИК АНСАМБЛИ — раҳбар ВАЛЕНТИН ДЕЕВ;

ЧАВАНДОЗ ҚИЗЛАР — раҳбар ВАЛЕНТИНА ДЕЕВА.

Тошкент циркининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти — ОБИДЖОН ТОШКЕНБОЕВ.

Татар циркининг бадиий раҳбари ва постановкачиси — Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист — ГАБДУЛҲАҚ ГИБАДУЛЛИН.

Томошалар шанба куни соат 16.00, 19.30 да. Якшанба куни соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/IV да **Бир актли балетлар кечаси**, 5/IV да **Пиковая дама.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Юлдузли тунлар**, 4/IV да **Зебунисо**, 5/IV да **Соқов рицарь.**

кино

3 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Чайка** (16.00, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01.

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» СИРИ» — **Чайка** (18, 20, 21.45), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Нукус** (16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69).

«САРИҚ ГУЛ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ОРТИНГГА БОҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02) (жуфт соатларда, телефон 14-59).

«ЭНГИЛМАС» — **Восток** (тоқ соатларда, телефон 21).

«ЭКИПАЖ» — **Ленин номли** (17, 20.00, телефон 42-80).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ДА АФСОНА» — **Ленин номли** (тоқ соатларда, телефон 48-42-80).

4 АПРЕЛЬДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Чайка** (12, 14, 16, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01.

«ҚОРАШАҚШАҚЛАРИ» — **Чайка** (18, 20, 21.45), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«ИККИ КИШИЛИК ЗАЛ» — **Нукус** (11, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69).

«САРИҚ ГУЛ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ОРТИНГГА БОҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02) (жуфт соатларда, телефон 14-59).

«ЭКИПАЖ» — **Ленин номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

ГОСКОМТРУД СССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТ ЗАВОДИГА

4—5 разрядли токарлар, фрезерчилар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, қолипчилар, деҳқонлар, электрикли кранларнинг машинисти, контролерлар, вахтерлар, қўриқлаш хизматчилари, мастерлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«Главташкентстрой»нинг 73-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

бульдозер, автокран ва экскаваторларнинг машинистлари, йўл механизацияси ремонти бўйича слесарлар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

газ-электр пайвандчилар, токарлар, бульдозер ва экскаваторларнинг машинистлари.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

инженер-конструкторлар, инженер-электрик, инженер-технолог, инженер металлург, теплотехник, электромонтерлар, слесарь-асбобсозлар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-таъмирловчи токарлар, фрезерчилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

майдаловчилар, дозаторчилар, магнитчи-фаррошлар, аппаратчи-монтёрлар, цехларнинг фаррошлари, силосчилар, сепараторчилар, ювувчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бош бухгалтер, бухгалтерлар, омборчи, техник.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 4-уй.
Акмал Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 1-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

Океандаги шаҳарлар—хаёлми ёки ҳақиқат?

«ГАРДИАН», МАНЧЕСТЕР

Ҳозир Японияда океанда қурилаётган замонавий катта шаҳар лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Мутахассислар таъкидлашича, бу жуда қийин муаммо бўлиб, иноҳоят катта молиявий ва моддий ресурслар талаб қилади. Шунга қарамай лойиҳа автори К. Тераи ишонадики, бу масала техникавий жиҳатдан ечимга молик ва иқтисодий қулайдир.

Таниқли япон мутахассиси Киёхида Тераи океан кенгликларида шаҳар қуриш масаласини таклиф қилди. Бу ғоя янгилик эмас, аммо Япониядек аҳоли зич жойлашган мамлакатда бу масалага ниҳоят жиддий қаралди. Тераи плани ҳозирнинг ўзидаёқ саноат доиралари ва олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. Яқинда махсус комиссия ташкил этилди, у лойиҳа проектини ўрганиш билан шуғулланади.

Тераи Токиодан 200 километр нарида очиқ денгизда икки миллионга яқин аҳоли яшайдиган йўлдош-шаҳар қуришни таклиф қилди. Бу ғоя янгилик эмас, аммо Японияда аҳоли зич жойлашган мамлакатда бу масалага ниҳоят жиддий қаралди. Тераи плани ҳозирнинг ўзидаёқ саноат доиралари ва олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. Яқинда махсус комиссия ташкил этилди, у лойиҳа проектини ўрганиш билан шуғулланади.

Тераи Токиодан 200 километр нарида очиқ денгизда икки миллионга яқин аҳоли яшайдиган йўлдош-шаҳар қуришни таклиф қилди. Бу ғоя янгилик эмас, аммо Японияда аҳоли зич жойлашган мамлакатда бу масалага ниҳоят жиддий қаралди. Тераи плани ҳозирнинг ўзидаёқ саноат доиралари ва олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. Яқинда махсус комиссия ташкил этилди, у лойиҳа проектини ўрганиш билан шуғулланади.

План Японияниг барча инженерлик ақл-идрокини тўла сафарбар этишни талаб қилади. Тераининг фикрига кўра, унинг лойиҳаси ҳозирги ҳисобга кўра мамлакатда 85 миллиард долларга тушади. Бу бениҳоя қийин муаммо — космосда шаҳар қургандай гап.

Тераининг ғояси «Океан шаҳар лойиҳаси» деган ном олди. Олимлар 4 палубали «ҳаракатланувчи» (қурилиш ғоясувчи бурғи миноранинг эслатади) қабиқ қуришни таклиф қилишмоқда. Бундай «палубалар»дан ҳар бирининг ҳажми беш квадрат километрга тенг бўлади. Улар ўртасида 20 метрли оралиқ масофа бўлади.

Энг тепадаги палубада икки миллион аҳолига мўлжалланган турар жойлар, парклар, магазинлар, ҳатто аэропорт жойлашади. Иккинчи палубада транспорт системаси ташкил этилади. Тераининг фикрига кўра, унинг асосини машиностсиз, автомат режимида ишлайдиган поездлар ташкил этиши керак. Учинчи палубада океан шаҳрининг саноат марказини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилган заводлар тармоғи бўлади. Қуйидаги палубада телекоммуникация, канализация системаси ва бошқа варур турмуш коммуникациялари қурилади.

Ички кавак кўпгина пўлат устунлар устига 4 палуба қуриш —Тераи планида мураккаб ўринлардан биридир. Бу устунлар бирбиридан 50 метр олисда жойлаштирилиши кўзда тутилмоқда. «Устунлар» ўртасига сув резервуарлари ўрнатилиб, палубаларнинг ҳаддан ташқари вазнини тўғри йўлга солиш мўлжалланмоқда.

Ҳаммаси бўлиб 10 мингта шунақа таянч ўрнатиш зарур бўлади. Ҳар бир сув қуйилган резервуарнинг чидамлилигини синаш ЭҲМ орқали бошқарилади.

Тераининг фикрига кўра, унинг плани миллиардлаб доллар маблағ тежаш имкониятини беради, сабаби, океан тубида қимматга тушадиган пўлат ва бетон конструкцияларни ўрнатишга ўрин қолмайди. Шаҳарни қуриш учун 60 миллион тонна пўлат кетади, бу япон пўлат қуйиш саноати ишлаб чиқараётган йиллик пўлат маҳсулотининг учдан икки қисмига тўғри келади (яна шуни айтиш керакки, бу Буюк Британия ҳар йили тайёрлайдиган маҳсулотдан беш баробар кўпдир).

Таклиф этилган лойиҳадан 1986 йилда биринчи хулосани чиқариш мумкин. Тераи таъкидлайдики, унинг планини «ҳам техникавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан амалга оширса бўлади...».

Японлар сувга қурилган шаҳарда яшашни исташадими? Қуруқликдан 200 километр олисда яшашни исташадими? Бунга Тераининг ишончи комил. «Ишончим қатъий комилки, японлар океан шаҳарда яшайдилар ва бахтли бўладилар,— дейди у.— Биз у ерда гольф ўйнайдиган майдон қурамиз, сузиш ҳавзаси бўлади, от чопиш клублари қурилади».

Ҳ. ҲАКИМОВ тайёрлаган.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ДАРВОЗА ОЛДИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўрта асрларда Львов шаҳрига шарқдан кириш учун ҳизмат қилган Глиняная башня дарвозаси очилди. Дарвоза бироита мих қоқилмай, йўғон тўсинлардан ишланган бўлиб, Львовнинг ўймакор герби билан безатилган. Таъмирчилар қадимги гравюрада бу кўҳна иншоотни шу тахлитда кўрдилар, ундан нусха кўчириб, сўнгра уни тикладилар.

Кўпдан-кўп дарвозалар — брамлар кўҳна шаҳар қиёфасига ҳамиша ўйғун тарзда ишланган. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, асосий — Галицкая минорасига кираверишда «Шер князь менга пойдевор қўйди», деб ёзиб қўйилган

Шаҳардаги кўпгина биноларга кираверишни оригинал безаш маълум маънавий вазифани ҳам бажарган. Масалан, арслон боши билан бир бош узум шакли ўйиб туширилган эшик овқатхона ёки вино омборига олиб борган. Илонли табоқ эса бу ерда дори-дармон билимдони яшашини маълум қилган. Энгашган ҳолда сакраётган иккита дельфин савдо-сотиқда омад рамзи бўлиб хизмат қилган. Кўҳна бозор майдонидаги уйлардан бирининг дарвозаси олдинги оёғини очилган китобга босиб турган қанотли арслон билан безатилган. Бу Венециянинг герби бўлиб, бу ерда яшаган консул шу давлат манфаатларини ҳимоя қилган.

Эндиликда Львов металл ва ёғочдан панжаралар, витраж ойналар қўйиб, мис безаклар қадаб ишланган дарвозаларни яна ифтихор билан намойиш этмоқда, шаҳарни ободонлаштириш ва меъморий ёдгорликларни қўриқлаш комплекс программаси шу тахлитда бажарилмоқда. Шаҳарнинг эски қисмида беш юзтадан кўп иморат таъмирланди.

(ТАСС).

Редактор

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

ТВ

сешанба

3 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.20 «Сиз яратган боғ».
18.50 Халқаро конкурс лауреати А. Фоменко чалади (фортепьяно).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Баҳор тошқинлари». Телефильм.
19.40 ИНФОРМАЦИОН КЎРСАТУВ.
20.30 Балетмейстер ва балет артистлари V Бутуниттифоқ конкурсининг якунловчи концерти.
21.30 «Время».
22.05 Концертнинг давоми.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Совет — Ҳиндистон биргаликдаги космик парвозига. Телефильм премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Коллектив нимага қодир». 1-кўрсатув. «Турбинанинг яратилиши».
19.20 Ф. Шопен. Соль минор балладаси.
19.30 —20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.05 «Катта танаффус». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Симфоник ва эстрада куйлари оркестрининг концерти.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёзувчилар — болаларга». Шарль Пьерро.
19.05 КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш масалалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ижод сақифалари». Н. В. Гоголь туғилган куннинг 175 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Музика истиқболи эгалари». Наманган санъат билим юрти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Агросаноат комплекси: тажриба ва муаммолар».
22.35 Б. Чепрунов. «Жайҳун тонги». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.
23.50 Янгиликлар.

чоршанба

4 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Кўрда пиширилган картошка байрами». Бадиий фильм.
11.35 «Таклифнома». Телефильм.
11.55 Иттифоқдош республикалар Пионерлар саройлари болалар бадиий коллективларининг концерти.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Р. Вагнер. «Тристан ва Изольда». Операдан парчалар.
16.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.55 Одам ҳаётида биологик ритмларнинг роли ҳақида илмий-оммабоп фильм премьераси.
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Аюшка» рус халқ чолғу ансамблининг чиқиши.
18.20 Венгрия фашист босқинчиларидан озод қилинган кунга. «Венгер тупроғида». ВҲР телевидениесининг программаси.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Спорт ҳафталиги».
20.00 «Хонадонингиздаги гуллар».
20.15 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Йил бўйи ҳосил олинади».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Химик 2- ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (23.05) —«Агар соғлом бўлай десанг». Академик Н. М. Амосов билан учрашувлар. 1-кўрсатув. Кўрсатув тугагач (24.00)— «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Телефильм.
19.00 «Коллектив нимага қодир». 2-кўрсатув. «Меҳнаткаш атом».
19.30 —20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.45 «Транспорт. Келажак нишоналари». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Катта танаффус». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «Хатларингиз асосида» зикали кўрсатув.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Тенгдошларинг ҳақида бир» Ҳужжатли фильм.
19.00 «Заҳиридан Муқимий премьераси (ўзбек фильми).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оперетта таклиф этади».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Фарруҳ Содиқов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима янги». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Бир актёр театри». Кокто. «Инсон овози».
23.15 «Муз устида нафосат бўлими». Фигурали учиш бўйича СССР чемпионатининг якунига (рус.).
23.55 Янгиликлар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси коллективи редакция ходими С. Сандовга отаси

Муҳаммадсалоҳ САНДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, партия ташкилоти, маҳаллий комитети ва тери-таносил касалликлари кафедраси коллективи шу кафедранинг мудири, профессор А. Ҳ. Абдуллаевга онаси

Маъсуда СИРОЖИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент ирригация ва мелиоратив ҳўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ректорати, партия комитети ва касаба союз комитети илмий коммунизм кафедрасининг доценти Р. С. Сафарова

Шаҳдор САНГИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министрлигининг республика сиртқи қишлоқ ҳўжалик техникуми маъмурияти ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришни планлаштириш кафедраси коллективи шу бўлим мудири

Исоқ Ғуломович ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 33-... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

3 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12176. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11